

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

«КЕЛИШИЛДИ»

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2020 й.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Тошкент давлат иқтисодиёт
университети ректори
А.А. Шарипов

2020 й.

5230100 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим
йўналиши негизидаги:

5A230106 - Эконометрика

магистратура мутахассислигига кирувчилар учун махсус (яхтисослик)
фандан

ДАСТУР

Тошкент - 2020

Аннотация

Дастур 5A230106 - Эконометрика магистратура мутахассислигига кирувчилар учун 5230100 - Иқтисодиёт (*тармоқлар ва соҳалар бўйича*) бакалаврият таълим йўналишининг 2019/2020 ўқув йилида тасдиқланган ўқув режасидаги асосий фанлар асосида тузилган.

Тузувчи:

С.О. Хомидов - ТДИУ, “Иқтисодиётда математик методлар” кафедраси катта ўқитувчиси.

Дастур Рақамли иқтисодиёт факультетининг 2020 йил 23 июндаги №10 сонли Кенгаши йиғилишида муҳокама қилинган ва тасдиқлашга тавсия этилган.

Кириш

Ушбу фан иқтисодийни модернизациялаш шароитида ўзгариб турувчи рақобат муҳити ва бозор шароитларини илғаб олиш, уларнинг моҳияти ҳамда қонуниятларини чуқур таҳлил қилишда эконометрик усуллар ва моделлардан фойдаланиш ёрдамида макроиқтисодий индикаторларни прогнозлаш, таваккалчилик ва ноаниқлик шароитида оптимал иқтисодий қарорлар қабул қилиш, кейинчалик, бу қарорлар бажарилишини компьютер орқали мониторинг қилиш масалаларининг назарий ва амалий томонларини ўрганишда талабаларни зарур бўлган билимлар билан қуроллантиради.

Эконометрика асослари фани математик ва табиий-илмий фанлар блокига киритилган курс ҳисобланиб, 3-курсда ўқитилади. Мазкур фан бошқа иқтисодий фанларнинг назарий ва услубий асосини ташкил қилиб, ўз ривожига аниқ йўналишдаги иқтисодий фанлар учун замин бўлиб хизмат қилади.

ЭКОНОМЕТРИКА АСОСЛАРИ фани бўйича:

Эконометрикага кириш. Эконометрикани асосий мақсади. Мақсад, вазибалари, тарихи, кимлар ҳисса кўшган ва нима билан, фаннинг ҳаётий аҳамияти. Фан ечадиган ҳаётий масалалар. Эконометрика ва унинг статистика ва бошқа фанлар билан алоқаси. Иқтисодий тизимлар ва жараёнларнинг мураккаблиги. Иқтисодий эконометрик моделлаштиришнинг зарурлиги. Эконометрик модел, стохастик модел, статик модел ва динамик моделлар тўғрисида тушунча. Эконометрик моделларни яратиш шартлари. Эконометрик моделларнинг статистик базаси. Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий кўрсаткичларнинг таҳлили ва башоратида эконометрик моделлардан фойдаланиш. Эконометрик моделлаштириш.

Иқтисодий маълумотларнинг статистик табиати. Иқтисодий маълумотларни қайта ишлаш. Боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган ўзгарувчиларни танлаш. Натижавий кўрсаткич ва таъсир этувчи омиллар. Эндоген ва экзоген омиллар. Фиктив ўзгарувчилар. Омилли ва натижавий белгилар. Эконометрик моделларни тузишга бўлган талаблар

Корреляция. Корреляцион таҳлил. Боғлиқликлар турларини ўрганиш. Стохастик боғланиш. Корреляцион боғланиш. Функционал боғланиш. Корреляция майдони. Ковариация коэффиценти ва уни ҳисоблаш усули. Чизиқли корреляция коэффиценти. Боғланишнинг зичлиги, таҳлилнинг самарадорлигини. Корреляция коэффицентини ўзгариш интерваллари. Тўғри боғланиш, тесқари боғланиш. Кучли боғланиш, ўртача боғланиш, суст боғланиш. Корреляция коэффиценти турлари. Жуфт корреляция коэффиценти, хусусий корреляция коэффиценти, кўп омилли корреляция коэффиценти. Корреляцион таҳлил босқичлари.

Бир омилли ва кўп омилли регрессия. Аппроксимация. Регрессия

тенгламаси. Регрессия чизиғи. Чизикли ва чизиксиз регрессия. Регрессия коэффициентлари. “Энг кичик квадратлар” (ЭКК) ёрдамида регрессия коэффициентларини ҳисоблаш. Натижавий омилни ҳақиқий ва назарий қийматлари. Нормал тенгламалар тизими. Регрессия коэффициентларининг иқтисодий маъноси. Ўртача эластиклик коэффициентлари.

Ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ўртасида боғланишларни ўрганишда чизиксиз функциялар билан фойдаланиш. Иккинчи даражали парабола. Учинчи даражали парабола. n -даражали парабола. Гипербола. b - даражали гипербола. Логарифмик функция. Ярим логарифмик функция. Кўрсаткичли функция. Даражали функция. Логистик функция. Чизиксиз боғланишлар учун корреляция индексини ҳисоблаш. Детерминация коэффициенти. Корреляцион таҳлилнинг иқтисодий маъноси. “Энг кичик квадратлар” (ЭКК) ёрдамида чизиксиз регрессия коэффициентларини ҳисоблаш.

Иқтисодий жараёнларнинг кўп омилли хусусиятлари ва ўзгариш қонуниятлари. Эконометрик модель тузиш учун омилларни танлаш услубиёти. Хусусий корреляция. Жуфт корреляция. Мультиколлениарлик. Кўп омиллик корреляция. Кўп омилли детерминация коэффициенти. Кўп омилли эконометрик (регрессион) модель. Чизикли ва чизиксиз кўп омилли регрессион боғланишлар. “Энг кичик квадратлар” усули ёрдамида кўп омилли эконометрик моделнинг коэффициентларини ҳисоблаш. Умумлаштирилган ва бавосита “энг кичик квадратлар” усули. Эконометрик модель параметрларини иқтисодий таҳлили. Эластиклик коэффициентларини ҳисоблаш. Мультиколлениарлик.

Оддий регрессиянинг коэффициентлари. Кўп омилли чизикли регрессия. Оддий регрессия тенгламаси учун энг кичик квадратлар усули. Корреляция коэффициентлари матрицаси. Стандарт масштабдаги регрессия тенгламаси учун энг кичик квадратлар усули. Регрессия тенгламаси стандартлаштирилган кўринишида.

Вақтли қаторлар тўғрисида умумий тушунчалар ва уларни таҳлил қилиш вазифалари. Динамик қаторлар. Вақтли қаторларни тақдимот шакллари. Вақтли қаторлар даражалари. Вақтли қаторларнинг таркиби. Вақтли қатор тузилиши: тренд, циклик компонента, мавсумий компонента ва қолдиқ компонента. Аддитив ва мультипликатив моделлар. Мавсумийлик таҳлили. Стационар вақтли қаторлар, ностационар вақтли қаторлар. Ўртача сирғалувчилар усули. Экспоненциал ўртача усули. Тренд моделлари ёрдамида аналитик текислаш. Чизикли тренд. Парабола. Гипербола. Экспонента. Даражали тренд. k -даражали парабола. Аддитив ва мультипликатив моделларнинг тузиш босқичлари.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Асосий адабиётлар

1. Эконометрика: ўқув қўлланма. / Мустафакулов Ш.И., Негматов Ж.Б., Жўраев Б.Р., Муродуллаев Н.Н. - Тошкент: ILMIY TEXNIKA AXBOROTI-PRESS NASHRIYOTI, 2017. - 155 б.
2. Эконометрика: ўқув қўлланма / Беркинов Б. Б. - Тошкент: Fan va texnologiya, 2015. - 164 б.
3. Эконометрическое моделирование: учебник / Абдуллаев А. М., Джамалов М.С., Салимов Б.Т., Шермухамедов А.Т. -Ташкент: ТГЭУ, 2010. - 614с.
4. Шодиев Т.Ш. ва бошқалар. Эконометрика. - Т.: ТДИУ, 2007. – 270 б.

Қўшимча адабиётлар

5. Колемаев В.А. Эконометрика: учебник / Колемаев В.А. - М.: ИНФРА-М, 2006. - 160 с. Валентинов В.А. Эконометрика: Учебник. –М.: ИТК «Дашков и К», 2009. – 367 с.
6. Hill R. C. Undergraduate Econometrics / Hill R. C. - New York: John Wiley and sons, 2012. - 366 p.
7. Елисеева И.И., Курышева С.В. и др. Эконометрика: Учебник. –М.: Издательство Юрайт, 2018. – 288 с.

Интернет сайтлари

8. www.mf.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти.
9. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
10. www.ifmr.uz – Ўзбекистон Республикаси Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти сайти.
11. www.minesonoma.uz – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги сайти.
12. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси расмий сайти.

